

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январ-феврал ойларида иқтисодий тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 455041,3 млн.сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда фойда ҳажми 208010,0 млн.сўм ёки 218,8 фоизга ошган.

### 2019 йилнинг январ-феврал ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (+,-), млн.сўм</i>	<i>2018 йил январ-февралга нисбатан фоизда</i>
<b>Жами</b>	<b>455041,3</b>	<b>218,8</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,2	0,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	421585,7	196,6
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	27334,0	-
Қурилиш	345,0	477,2
Савдо	4117,6	93,8
Ташиш ва сақлаш	-424,9	-
Сув билан таъминланиш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	224,4	330,0
Ахборот ва алоқа	83,3	35,8
Кўчмас мулк билан операциялар	911,5	191,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	792,8	360,5
Санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	40,4	-
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	31,3	313,0

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа ношароит ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 421585,7 млн.сўмга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналарига – 27334,0 млн.сўмга, савдо корхоналарига – 4117,6 млн.сўмга, кучмас мулк билан операциялар – 911,5 млн.сўмга тўғри келади.

Салбий молиявий натижа (зарар)нинг асосий қисми “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, “Ташиш ва сақлаш” ҳамда “Ишлаб чиқарадиган саноат” корхоналарига минус 6870,9 млн.сўмга тўғри келади.


2019 йилнинг январ-феврал ойларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзавтосаноат” АЖ (120,4 млн.сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (560,3 млн.сўм), “Ўзбекэнерго” АЖ (27272,7 млн.сўм), “Навоий КМК” ДК (396160,5 млн.сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши “Ўзшаробсаноат” АЖ – 0,4 млн.сўмга, “Ўздонмахсулот” АК – 547,6 млн.сўмга, “Ўзпахтасаноат” АЖ - 74,2 млн.сўмга, “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 2972,1 млн.сўмга, юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

#### **2019 йилнинг январ-феврал ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (+,-), млн.сўм</i>	<i>2018 йил январ-мартга нисбатан фоизда</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2425471,4</b>	<b>225,3</b>
Навоий	2413471,8	2,2 м
Зарафшон	4006,4	14,3 м
<i>туманлар:</i>		
Кармана	478,6	-
Конимех	-	-
Қизилтепа	6118,7	118,5
Навбахор	840,1	89,6
Нурота	6,8	14,6
Томди	-	-
Учкудук	125,5	39,0
Хатирчи	423,5	49,8

**2019 йилнинг январ-феврал ойларида ҳудудлар кесимида  
якуний молиявий натижалари  
(2018 йил январ-февралга нисбатан фоизда)**



Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий шаҳар 419901,6 млн.сўм (жами фойданинг 92,3 фоиз), Кармана тумани 33641,1 млн.сўм (7,4 фоиз) ва Қизилтепа тумани 1021,1 млн.сўм (0,2 фоиз)га тўғри келади.

**Зарар.** 2019 йилнинг январ-феврал ойларида 3 та корхона 6870,9 млн.сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, “Ташиш ва сақлаш” ҳамда “Ишлаб чиқарадиган саноат” таркибига кирувчи корхона ҳиссасига тўғри келди.

**2019 йилнинг январ-феврал ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>3</b>	<b>6870,9</b>	<b>100,0</b>
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1	6235,1	90,8
Ташиш ва сақлаш	1	510,4	7,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	1	125,4	1,8

**2019 йилнинг январ-феврал ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да	Зарар суммаси, млн.сўм
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3</b>	<b>100,0</b>	<b>6870,9</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	2	98,2	6745,5
Зарафшон	1	1,8	125,4

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2019 йил 1 апрел ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 1428709,4 млн.сўмни, шундан муддати ўтган – 41452,3 млн.сўм ёки жами қарздорликнинг 2,9 фоизини ташкил қилди.

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йил 1 апрелга нисбатан солиштирганимизда 39,4 фоизни ташкил этган бўлса, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 59,2 фоизни ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Навоий шаҳар 1263009,1 млн. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 88,4 фоиз), Кармана 79636,5 млн. сўм (5,6 фоиз), Навбахор 32851,7 млн. сўм (2,3 фоиз) ва Қизилтепа 31222,2 млн. сўм (2,2 фоиз) туманларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Хатирчи туманида 13147,4 млн. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,9 фоиз), Зарафшон 8842,5 млн. сўм (0,6 фоиз) шаҳрида пастлигини кўриш мумкин.

### 2019 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млн.сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, фоизда
		харидор ва буюртма- чилар	етказиб берувчи- ларга ва пудратчиларга берилган аванслар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>39591,0</b>	<b>38464,7</b>	<b>762,1</b>	<b>-</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган sanoat	39376,3	38250,0	762,1	-	99,5
Қурилиш	214,7	214,7	-	-	0,5

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 1579117,4 млн.сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 87,3 фоизини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги “Навоий КМК” ДК – 676645,6 млн.сўм (42,8 фоиз), “Ўзбекэнерго” АЖ – 556954,2 млн.сўм. (35,3 фоиз), “Ўзнефтгаз” АЖ – 124824,5 млн.сўм (7,9 фоиз), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 124249,2 млн.сўм (7,9 фоиз).

Дебитор қарздорлик “Ўздонмаҳсулот” АЖ – 1,2 фоизга (18997,6 млн.сўм), “Сув хўжалиги вазирлиги” – 0,2 фоизга (2469,0 млн.сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ

0,1 фоизга (1492,4 млн.сўм), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги” – 0,1 фоизга (1098,5 млн.сўм) камайган.

Муддати ўтган дебитор қарздорликни 2018 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 157,1 фоизни ташкил этди.

2019 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2750163,6 млн.сўм, ундан муддати ўтган – 37585,3 млн.сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,4 фоизни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорликни 2018 йил 1 мартга нисбатан солиштирганимизда 62,6 фоизни ташкил этган бўлса, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 106,7 фоиз ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 2528642,3 млн.сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 92,3 фоизни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган – 37147,8 млн.сўм ёки мос равишда 61,8 фоизни ташкил этади.

#### **2019 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млн. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, фоизда
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>37585,3</b>	<b>37500,4</b>	-	-	-	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	36701,3	36616,4	-	-	-	97,6
Сув билан таъминлаш	884,0	884,0	-	-	-	2,4

2019 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши 943054,2 млн.сўмни ташкил қилди.

**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг  
дебиторликка нисбатан ошиши**

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млн.сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан фоизда</i>
“Навоий КМК” ДК	1090368,0	261,1
“Ўзкимёсаноат” АЖ	144864,1	216,6
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	1899,5	272,9
“Сув хўжалиги вазирлиги”	755,5	130,6

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Навоий КМК” ДК 1090368,0 млн.сўмга (261,1 фоиз), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 144864,1 млн.сўмга (216,6 фоиз), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги” – 1899,5 млн.сўмга (272,9 фоиз) ва “Сув хўжалиги вазирлиги” – 755,5 млн.сўмга (130,6 фоиз) кузатилди.

Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Худудлар бўйича кўрилганда кредитор қарздорлик юқори Навбахор туманида 6919,1 млн.сўм (321,3 фоиз), Зарафшон шаҳар 9480,9 млн.сўм (205,3 фоиз) ва Кармана 326769,5 млн.сўм (139,7 фоиз) туманларига тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Навоий шаҳарда 2378550,1 млн.сўм (103,5 фоиз), Қизилтепа туманида 16881,8 млн.сўм (78,3 фоиз) ва Хатирчи туманида 6507,5 млн.сўм (45,1 фоиз) пастлигини кўриш мумкин.